

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.В.38.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УТЕМУРАТОВА ГУЛШИРИН НАЖИМАТДИНОВНА

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ШАРОИТИДА СИЧҚОНСИМОН
КЕМИРУВЧИЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК-ПОПУЛЯЦИОН ТАҲЛИЛИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна

Жанубий Оролбўйи шароитида сичқонсимон кемирувчиларнинг
экологик-популяцион таҳлили..... 3

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна

Эколого-популяционный анализ мышевидных грызунов
в условиях Южного Приаралья..... 19

Utemuratova Gulshirin Najimatdinovna

Ecological-population analysis of mouse-like rodents in the
conditions of Southern Aral sea region..... 36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/В 39 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси info@microbio.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Шакиров Зоир Соатович**
биология фанлари доктори

Шеримбетов Санжар Гулмирзаевич
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.В.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» __ соат __ даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар залида. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: info@microbio.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Арипов Тахир Фатихович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Раҳимова Тўра Узақовна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий экотизимларнинг хилма-хиллигини ва барқарорлигини сақлаш энг муҳим аҳамиятга эга муаммолардан бири ҳисобланади. Табиий ассоциацияларни ҳимоя қилиш, фойдали ҳайвонлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, трансмиссив касалликлар ташувчилари ва зараркунанда турлари билан қарши кураш тизимини рационализация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, турнинг популяция реакциялари бутун экотизимнинг динамикасини акс эттиради ва популяция ёндошув табиий экотизимларнинг ҳолатини тадқиқ қилишда унумли фойдаланилиш имкони беради.

Жаҳонда кўпгина мамлакатларда ўтказилаётган илмий тадқиқотлар бир қанча амалий экологик масалаларни хал қилишда популяция ёндошувдан фойдаланиш ва ривожлантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада инфекция ўчоқларини шакллантиришда иштирок этувчи турлар сонини прогноз қилиш ва бошқариш, ўрмонларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш, табиий экотизимларни муҳофаза қилишда комплекси экологик-популяция таҳлил ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли, популяция экологиянинг кенг спектрдаги муаммоларини тадқиқ қилишнинг классик модел объекти ҳисобланган сичқонсимон кемирувчиларнинг популяцияларини асослаш ва экологик ҳолатини баҳолаш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда биохилмахилликни сақлаш ва унинг барқарорлигини ривожлантириш соҳасида чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, Жанубий Оролбўйи минтақасида биохилмахилликни сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “...илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмини яратиш” бўйича вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, сичқонсимон кемирувчилар миқдорий динамикасини тадқиқ қилишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш ва улардан муҳитнинг табиий ва антропоген ўзгаришларини ахборот биоиндикатори сифатида фойдаланиш мақсадида самарали усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

ҳақида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 255-сон «Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш ва тиклаш, шунингдек 2015-2018 йилларга мўлажалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича комплекс дастур ҳақида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Майда сутэмизувчилар (шу жумладан сичқонсимон кемирувчилар) популяция экологиясини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Kentucky (США), University of Guelph Ontario (Канада), University of Sydney (Австралия), Federal University of Lavras (Бразилия)² олиб борилмоқда.

Сичқонсимон кемирувчилар табиий экотизимларда муҳим бўғин ҳисобланади. Улар ўзига хос ҳаётий шакли ва ташқи таъсирларга юқори даражадаги сезгирлиги билан характерланади. Турли хил экологик омилларга паст индивидуал барқарорлик ва шу сабабли юқори ўлим сонини улар кўпайишнинг жадаллашуви, адаптив мослашувчанлик ва гуруҳий барқарорликнинг кучайиши билан тикланади (Большаков и др., 1980, Жигальский, 1990; Бернштейн, 2009; Wieczorek et al., 2015 и др.). Майда сут эмизувчилар экологияси соҳасидаги кўп йиллик тадқиқот тажрибаларига қарамадан олимларнинг мазкур мавзуга бўлган қизиқишлари ҳали-ҳануз сўнгани йўқ ва бу ҳайвонларнинг мазкур гуруҳи популяцияларининг қонуниятларини ва ишлаш механизмларини чуқурроқ ва тўлиқроқ англашга олиб келади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-ТО14 «Амударёнинг қуйи оқимларида сут эмизувчилар фаунасининг биохилмахиллигига антропоген таъсирни экологик меъёрлаштиришнинг методларини ишлаб чиқиш ва генофондни муҳофаза қилиш» амалий лойиҳаси доирасида (2009-2011 йй.), шунингдек Фа-Ф1-ГОО4 «Гидрорежимнинг ўзгарувчанлиги ва иқлимнинг ўзгариши шароитларида Жанубий Оролбўйи табиий муҳити ва биотасининг трансформацияси динамикасини комплекс тадқиқ қилиш» (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳаси ва ЖЕФ МФСА «Жанубий Оролбўйи ветландлари

²<http://www.bayceer.uni-bayreuth.de/toek/en/pub/pub/publikation.php>

биохилмахиллигининг мониторинги» (2015-2018 йй.) халқаро лойиҳалари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролбўйи ҳудудининг табиий ва антропоген экотизимлар ҳолатини биоиндикатори сифатида сичқонсимон кемирувчиларнинг экологик-популяцион таҳлилини ўтказишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳудуд антропоген трансформациясининг хусусияти ва даражасини ҳисобга олган ҳолда сичқонсимон кемирувчилар фаунасининг таксономик таркиби ўзгаришларини аниқлаш;

сичқонсимон кемирувчилар популяцияларининг тадқиқ қилинаётган турларларини экологик ва ички популяцион хусусиятларини ўрганиш;

экзоген ва эндоген омиллар таъсиридаги кемирувчилар модел турларининг динамикасини ўзига хос жиҳатларини белгилаш;

турли хил экологик шароитларда кемирувчилар модел турларининг популяцияларини миқдори ва фенотипик хилма-хиллиги ўзгаришларини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сичқонсимон кемирувчилар популяцияларининг модел турлари – фонга оид синантроп тур сифатида уй сичқони (*Mus musculus*) ва мезофил зараркунанда тур сифатида пластинка тишли каламуш (*Nesokia indica*) танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида популяциялар турларининг экологик ва ички популяцион хусусиятлари, биотопик мослашувчанлик, ўрганилаётган кемирувчи турлари популяцияларининг миқдорий динамикаси ва жинс-ёш структурасига экологик омилларнинг таъсирларини баҳолаш хизмат қилди.

Тадқиқотнинг усуллари Ишда экологик, популяцион, статистик методлари, фактор таҳлили методларидан фойдаланилди. Барча олинган маълумотларни ишонччилик даражаси Студент статистик усули ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жанубий Оролбўйи экологик шароитида сичқонсимон кемирувчилар модел турлари популяцияси динамикасини экологик-популяцион таҳлили асосида динамиканинг йиллик ўзгаришлар амплитудаси баҳоланган;

табиий динамика жараёнидаги тузилманинг турли хил босқичларида сичқонсимон кемирувчилар модел турларининг мошлашув ҳаракатлари аниқланган;

илк бор антропоген омиллар ва тикланувчи сукцессиялар таъсирига сичқонсимон кемирувчилар модел турлари популяцияларининг реакциялари очиқ берилган;

илк бор ахборот берувчи биоиндикаторлар (сичқонсимон кемирувчилар популяцияси) асосида Орол бўйи муҳитининг табиий ва антропоген ўзгаришларини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Илк бор модел тур сифатида сичқонсимон кемирувчилардан Жанубий Оролбўйи ҳудуди экологик шароитида табиий муҳит ва антропоген

Ўзгаришларини баҳолаш учун ахборот биоиндикаторлари сифатида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Амударё қуёи оқимининг нам ҳудудларидаги майда сут эмизувчиларнинг тур таркиби ва миқдорий ўзгаришлари прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертациянинг замонавий методлардан фойдаланилиши ва олинган натижаларни етакчи илмий нашриётларда нашр қилиниши, давлат амалий ва фундаментал лойиҳаларини амалга оширишда илмий ҳамжамият томонидан тан олинниши, диссертация тадқиқотининг илмий натижаларини ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланиши ва уларни амалиётга жорий қилиниши, сичқонсимон кемирувчилар динамикаси механизмларининг экологик-популяцион таҳлили бўйича етакчи мутахассислар билан муҳокама қилиниши ва дастлабки тўпланган материалларнинг Қорақалпоқ табиий фанлари илмий-текшириш институтининг ҳайвонот дунёси бўйича маълумотлар базасига киритиш имкониятининг мавжудлиги билан асосланади. Экспериментал маълумотларга статистик ишлов бериш, хатоликлар, ўртача, ишончлилик интерваллар, стандарт оғишларни ҳисоблаш STATISTICA 6.0 компьютер дастури ва стандарт методлар ёрдамида олиб борилган. Натижаларнинг статистик аҳамиятини аниқлаш учун, Стьюдент ва Фишернинг Т-критерийсини ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жанубий Оролбўйи экологик шароитида сичқонсимон кемирувчилар модел турлари популяцияси динамикасининг йиллик ўзгаришлар амплитудаси, табиий динамика жараёнидаги тузилманинг турли хил босқичларида сичқонсимон кемирувчилар модел турларининг мослашув ҳаракатларининг аниқланганлиги, антропоген омиллар ва тикланувчи сукцессиялар таъсирида сичқонсимон кемирувчилар модел турлари популяцияларида рўй берадиган реакциялар очиб берилганлиги, натижаларнинг санитария-эпидемиология ва ветеринария соҳаларининг назарий қисмини тўлдирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар ва тавсиялар ветеринария ва тиббий муассасалари томонидан эпизоотологик ва эпидемиологик назорат мақсадларида фойдаланилишига, майда сут эмизувчиларнинг ҳудудий-замон тарқалиши ҳақидаги замонавий маълумотлар ҳайвонот кадастрини тўлдиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйи шароитида сичқонсимон кемирувчиларнинг экологик-популяцион таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги атроф муҳит компонентларининг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятига майда сут эмизувчилар фаунасининг экологик мониторинги дастурини ишлаб чиқиш ва ҳайвонот дунёсининг кадастрини тузишда жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси экология ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 13 мартдаги МА-01/13-457-сон

маълумотномаси). Натижада Жанубий Оролбўйи экотизимининг сукцессион жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар тур таркиби жиҳатидан интразонал биотопларда ҳайвонларнинг хилма-хиллигининг ўзгаришини аниқлаш имконини берган;

кемирувчиларнинг туқай экосистемаси ва агроценозга индикатор сифатида таъсири Ўрмон хўжалиги фаолиятига сукцессия жараёнларини баҳолашда жорий қилинган (Қорақолпоғистон Республикаси Давлат ўрмон хўжалиги кўмитасининг 2017 йил 13 декабрдаги 255-сон маълумотномаси). Натижада туқай экотизимлари ва агроценозлар экологик ҳолатини мониторинг қилиш орқали Жанубий Оролбўйи худудининг биохилмаҳиллигини сақлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

эпизотиядан олдин, эпизотия давридаги кемирувчилар популяцияларининг ҳолати ва тарқалиши Соғлиқни сақлаш фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика ўлат, карантин ва ўта ҳавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази Қорақолпоғистон филиали 2018 йил 18 апрелдаги 55-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий Оролбўйи худудида юқумли касалликлар ўчоғини шакллантиришда иштирок этадиган кемирувчилар сон динамикасини бошқариш ва прогноз қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, якун, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ҳамда зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Майда сут эмизувчилар динамикасини ўрганишнинг замонавий муаммолари**” деб номланган биринчи бобида

популяцион экологиянинг турли хил жиҳатларига бағишланган замонавий масалалар ёритилган. Майда сут эмизувчилар экологияси соҳасида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларга қарамасдан олимларнинг ушбу мавзуга бўлган қизиқиши сўнгани йўқ ва ҳозирги кунда бу ҳайвонлар мазкур гуруҳининг популяцияларининг функционал қонуниятларини ва механизмларини чуқурроқ ва тўлиқроқ англашга, амалий аҳамиятини янги кирраларини очишга олиб келади.

Турнинг популяцион реакцияси умуман олганда экотизимнинг динамикасини очиб бериши мумкин, шунинг учун турнинг биологияси етарлича ўрганилган ҳолларда популяцион ёндашув табиий экотизимлар ҳолатини тадқиқ қилиш учун муваффақиятли қўлланилиши мумкин. Бу талабларга назарий ва амалий экологиянинг кенг доирадаги муаммоларини экологик тадқиқ қилишнинг анъанавий модел объекти ҳисобланган сичқонсимон кемирувчиларнинг кўп сонли гуруҳлари тўлиқ мос келади.

Диссертациянинг **“Майда сут эмизувчилар экологиясини ўрганиш бўйича материаллар, методлар, тадқиқотларнинг ҳажми”** деб номланган иккинчи бобида мақсад ва белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда методлар, методик услублар ва тадқиқотнинг ҳажми тақдим қилинган. Тадқиқотлар Қизилқумнинг шимоли-ғарбий қисми ҳудудларида, Устюрт платоси ва Амударё дельтасининг воҳаларида 2011-2017 йиллар мобайнида ўтказилган.

Ташкилий ишларнинг муҳим тамойили–сичқонсимон кемирувчиларнинг турли хил тузилмавий даражаларида энг муҳим ўзига хос жиҳатлари динамикасини комплекс ўрганишдан иборат. Дала ишларида майда сут эмизувчиларни миқдорий рўйхатга олишнинг стандарт усулларидан фойдаланилди (Кучерук и др., 1963; Карасева и др., 1996).

Материлларга статистик ишлов бериш учун Microsoft Excel for Windows жадваллар редактори ва STATISTICA 6.0 дан фойдаланилди. Олинган натижалар ишончилигини баҳолаш Стъудент ёки Фишер критерийси бўйича, корреляция эса Спирмен критерийси бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг **“Жанубий Оролбўйининг табиий шароитлари сичқонсимон кемирувчиларнинг яшаш муҳити сифатида”** деб номланган учунчи бобида Жанубий Оролбўйининг ҳудуди Амударёнинг улкан аллювиал-делта текислиги, Қизилқум шимоли-ғарбий қисми қумли чўлларининг ландшафтлари, очик қояли тепаликларнинг қолдиқлари (Қизилжар, Кусканатау, Белтау) ва Устюрт платоси, шунингдек постаквал куруқлик – Оролқум ҳудудларининг мураккаб бирлиги ҳисобланади.

Оролбўйидаги табиий жараёнларнинг йиғиндисини жадаллашувчи антропоген чўлланиш сифатида белгилаш мумкин эмас. У ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлиб, унинг майдони ошиб бормоқда, кўпаймоқда ва шакллари мураккаблашмоқда, унинг асосида экологик фавқулудда вазиятлар пайдо бўлмоқда ва Оролбўйининг денгиз бўйи қисми экологик офат ўчоғи сифатида кўрилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ҳудуднинг аридлашуви ва антропоген чўлланиши жараёнлари замонавий экологик жараёнларнинг негизини ташкил қилади ва эндиликда Оролбўйи минтақаси табиий муҳити ривожланишининг асосий йўналишини белгилаб берган.

Шундай қилиб таъкидлаш жоизки, Жанубий Оролбўйи ҳудудида экологик барқарорлашган табиий муҳитга хос ҳодиса ва жараёнлар кузатилиб, улар ривожланишнинг ўзига хос босқичи деб ҳисобланади. Биогеоценотик ва ландшафт қопламанинг структуравий-функционал тузилмаси янги тизимнинг қайта қурилиши ва шаклланиши масаланинг туб моҳияти ҳисобланиб, у барча даражалардаги ички систематик тузилмани ва облигат тизимлараро алоқаларни ўз ичига олади.

Диссертациянинг “**Модел кемирувчи турларини экологик-популяцион таҳлили**” деб номланган тўртинчи бобида кемирувчилар популяциялари ўрганилаётган турларининг экологик структурасини комплекс таҳлили ва унинг адаптив аҳамияти келтирилган. Ҳайвонларни муҳитнинг специфик шароитларига мослашувини хилма-хил экологик механизмлари орасида структуравий-популяцион адаптация ва энг аввало популяциянинг динамик ёш структураси муҳим ўринни эгаллайди.

Унинг ҳолатини энг муҳим кўрсаткичларидан бири – ёш ва жинс таркибининг динамикаси дир. Популяциянинг жинс структураси энг аввало алоҳида фаслларда эркак ва урғочиларнинг фаоллиги даражаси ва ўлим сонига, шунингдек муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамлилиқ даражаси ва физиологик ҳолатига боғлиқ. Популяциялардаги жинсларнинг нисбати 1:1 га яқин. Бундай тенг нисбатлар кўпайиш жараёнига қулайлик туғдиради. Табиий шароитларда, яъни антропоген таъсир мавжуд бўлмаган ҳудудларда жинслар нисбати, одатда урғочилар устунлик қилиш томонига оғади (1 жадвал). Бу шу билан тушунтириладики, кўпайиш даврида доимий фаол эркакларнинг нобуд бўлиши ошади, шу билан бир пайтда ҳомиладор ва боқувчи урғочиларнинг яширин ҳаёт шакли яшаб қолишга имконият пайдо бўлади.

1 жадвал


Умумий йиллик уй сичқонининг жинс нисбатларини солиштирма таҳлили
(1968-2017 йй.) (%)

Популяциялар	1968-1970 (Карабеков, 1971) n=383		1980-1999 (Реймов, 1999) n=1809		2000-2010 (Асенов Г., 2010) n=1780		2011-2017 (бизнинг маълумотлар) n=243	
	♂	♀	♂	♀	♂	♀	♂	♀
Синантроп	49,5	50,5	49,7	50,3	48,9	51,1	47,5	52,5
Табиий	50,7	49,3	48,6	51,4	49,8	51,2	48,4	52,6

Маълумки, сичқонсимон кемирувчиларнинг популяциялари тез янгилашишга боғлиқ ҳолда мураккаб ёш структураси билан тавсифланади. Уй сичқони *Mus musculus* популяциясининг ёш структурасини тадқиқ қилишда белгиландики, баҳорги табиий намуналарда катта ёшдаги ҳайвонлар гуруҳи

деярли учрамаган бўлса, синантроп популяцияларда (аҳоли пунктларида) улар 24,0% ни ташкил қилди. Бу шундан гувоҳлик берадики, табиатда вояга етган ёш гуруҳлари қиш фаслида тўлиқ элиминацияланиши (баъзи-бир сабабларга кўра ҳалок бўлиши) рўй бериб, баҳоргача куз генерациясининг ҳайвонлари яшаб қолади. Йилнинг қолган вақтида солиштирилган микропопуляцияларнинг турли ёш гуруҳлари нисбатлари тенг, бироқ барча фаслларда иккинчи гуруҳнинг ҳайвонлари миқдор жиҳатидан кўп бўлган.

XX асрнинг 58-69 йй. мутахассисларнинг берган маълумотларига кўра табиий популяцияларнинг миқдори 100 қ/с га 76 нусхани ташкил қилган. Р.Реймовнинг (1987) берган маълумотларига кўра 1968 йилдан 70 йилларгача ҳайвонларнинг сони 100 қ/с дан 23 нусхагача пасайиши кузатилган. 1971-1975 ва 1980-1983 йилларда уй сичқони миқдорининг ошиши кузатилиб, улар 2-3 йиллик цикл билан қайд этилган (1 расм).




1 расм. Жанубий Оролбўйида уй сичқонининг табиий популяцияси миқдорининг динамикаси ва унинг тренди (100 қопқон/сут га нисбатан индивидларлар сони)

Ҳозирги пайтда бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, миқдорий динамикада бир қадар барқарорлик кузатилиб, бунда ўртача миқдор 100 қ/с га 12-13 нусхани ташкил қилади. Чизикли тренд миқдорнинг йиллик суръатини пасайишини кўрсатди (йилига 0,18 нусха). 1970, 1980-1983 ва 2014 йилларнинг қуруқ фаслларида экотизимнинг яққол реакциясини таъкидлаш жоиз. Гидрорежим асосий омил бўлган ўсимликлар сувнинг тақчиллигига тезда жавоб қайтаради, сичқонларнинг табиий популяциялари эса бунга кейинги йил жавоб қайтаради.


Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қуйи Амударё шароитларида уй сичқонининг популяцияларида туғилиш, нобуд бўлиш, етилиш билан бўлган демографик жараёнлар турлича кечади. Антропоген салбий таъсир туфайли ҳайвонларнинг ўлими сезилари ошади ва қайтар

алоқа натижасида уй сичқони популяциясининг интенсификация жараёнларига олиб келади (2, 3 расмлар).



2 расм. Жанубий Оролбўйида уй сичқони синантроп популяциясининг кўпайиш динамикаси

Ҳайвонларнинг кўпайиши шу йили туғилган ҳайвонлар ҳисобига ва уй сичқонининг маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига амалга ошади. Антропоген омиллар таъсирига популяциянинг бу жавоби муайян даражада ҳайвонларнинг юқори даражадаги нобуд бўлишини тўлдириб туради.




Изоҳ: 1968-1999 йй. Р. Реймов маълумотларига кўра(1999), 2000-2010 йй. Г.Асеновнинг маълумотлари (2011-2016 йй.)– муаллифларнинг маълумотлари

3 расм. Жанубий Оролбўйида уй сичқони табиий популяциясининг кўпайиш динамикаси

Ҳомиладор урғочилар миқдорий динамикасининг чизикли тренди катта бўлмаган ўсишни кўрсатиб (йилига 0,23%), у уй сичқонининг синантроп популяциясига нисбатан пастдир. Туғган урғочиларга келадиган бўлсак, уларнинг динамикасида миқдорининг ошишининг 10-йиллик цикллари кузатилиб, ўзгарувчанлик 41% дан 68% гача бўлган. Туғган урғочилар миқдорий динамикасининг чизикли тренди ҳам ўсиш суръатининг ошишини кўрсатди (йилига 0,16%). Бу кўрсаткич уй сичқонининг синантроп популяциясидан биров юқорироқ бўлган.

Пластинка тишли каламуш (*Nesokia indica*) намланган биотоплар учун типик тур ҳисобланади. Ўзига хос яшаш муҳити – ирригацион тизимлар соҳил бўйларидаги намланган жойлар, кўл бўйларидаги қамишзор ва чангалзорлар, дарё водийлари ва суғориладиган ерлар. Охириги вақтларда ҳовлилардаги биноларда, омборларда ва дон сақланадиган хоналарида учрамоқда. 2011 йилдан 2015 йилгача пластинка тишли каламушининг миқдори барқарорлашди (1 гектарга 25-30 та индивид) (4 расм).



4 расм. Амударё қуйи соҳилларида пластинка тишли каламуш миқдорий популяциясининг кўп йиллик динамикаси (1960-2015 йй.) ва унинг тренди.

Агар XXасрнинг 70-80 йилларида мутахассисларнинг маълумотларига кўра у суғориладиган ерларнинг катта массивларида кузатилмаган бўлса (пахта ва шоли далаларида), ҳозирги пайтда 1 гектарда 3-5 тагача индивид қайд қилинган. Чизикли тренд жараённинг йўналишини акс эттирмайди ва Қорақалпоғистон ҳудудида пластинка тишли каламуш миқдорининг ўзгариш тенденцияси аниқланмайди.


Р.Реймов (1987), Г.Асенов (1990) ларнинг маълумотларига кўра табиатда 1 урғочига тўғри келадиган эмбрионларнинг ўртача сони 5,1-3,5 ни ташкил қилса, синантроп шароитларда 5,0-3,3 ни ташкил қилади. Ўтказган таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, 3-4 эмбрионли урғочилар сони энг юқори

бўлган бўлса (22 дан 34% гача), 10-12 эмбрионли урғочилар энг минимал миқдорда бўлган (5 расм).

Ҳомиладор урғочиларнинг юқори фоизлари баҳорда 51,1-62,5%, кузда 40-50%, қишда эса 13-25% гача пасайиб кетади. Ёш структурасининг ўтказилган таҳлили миқдорий динамика билан боғлиқ бўлган баъзи-бир ўзига хос қонуниятлар аниқланган. Биринчидан, бу вояга етган ҳайвонлар улушининг ўзгаришидир (қишлаган нусхалар ва биринчи генерациянинг шу йили туғилган ҳайвонлари).

Пластинка тишли каламуш *Nesokia indica* популяцияси ёш таркибининг структураси кўпайишнинг йиллик циклига боғлиқ ҳолда мураккабдир. Баҳор даврида (май) популяция асосан қишлаб чиққан нусхалар (77,6%) ва биринчи туғилган ёш каламушлардан иборат (22,4%). Регуляция жараёнлари миқдорнинг кўтарилиш ва авж фазаларида рўй берувчи ёшга оид ўзгаришлар билан боғлиқ.

Йил давомида турли ёш гуруҳлари индивидларининг кўпайиши ва нобуд бўлиши билан боғлиқ бўлган қонуний фасл динамикаси кузатилади. Эҳтимол бу ҳайвонлар интенсив кўпайишга генетик қобилиятга эгадир, бироқ бундан ташқари энг муҳим омиллардан ташқари яшаш муҳитининг ҳимоявий ва озуқавий шароитлари ҳисобланади.



5 расм. Амударё бўйларида пластинка тишли каламушнинг бир вақтда туғилган эмбрионлар миқдори (%)

Диссертациянинг “**Популяциялар миқдорий динамикасининг таҳлили ва унинг сабаблари**” деб номланган бешинчи бобда иккита давр – баҳор ва кузда уй сичқони (*Mus Musculus*) ва пластинка тишли каламуш (*Nesokia indica*) популяциялари миқдорий динамикаси асосий параметрларини миқдорий баҳолаши ўтказилган. Кўп миқдордаги регрессион таҳлил

каламушлар популяциялари модел турларининг миқдорий динамикасига барча экзоген ва эндоген омилларнинг нисбий таъсирини баҳолаш имконини берди. Уй сичқони популяциялари учун ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, популяциянинг миқдорий динамикасида барча экологик омиллар дисперсиясининг улуши анча юқори бўлиб, 82% дан 88% гачани ташкил қилган.

Дисперсиянинг қолган улуши ҳисобга олинмаган омиллар билан шартлидир (касаллик, йирткичлар, қуёш фаоллигининг даврийлиги ва ҳ.к.). Ички популяцион омиллар баҳорги миқдорнинг умумий ўзгарувчанлигига асосий ҳиссани қўшади 57,0%. Экзоген омилларнинг диспериясига қўшадиган ҳиссаси бироз камроқ 25,13%. Экзоген омиллардан озукавий шароитлар энг катта таъсир кўрсатса 11%, иқлим шароитлари 8,5% гача ҳисса қўшади. Баҳорги қишлаб чиққан индивидларнинг миқдорий даражаси билан олдинги йил кузидаги уй сичқони популяциясининг миқдори ўртасида мусбат корреляцион алоқалар аниқланди ($r=0.62$)(2 жадвал). Ёш гуруҳлари ҳайвонларининг улуши ҳам кузги миқдор билан корреляцияга эга.

2 жадвал

Эндоген ва экзоген омилларининг уй сичқони популяцияси ҳолатининг кўрсаткичлари билан алоқаларини баҳолаш

Кўрсаткичлар	Эндоген омиллар	R	Экзоген омиллари	R
Баҳорги миқдор (Нв)	Но'	0,62	Тв (1-2)	0,72
	Д ₁ (8)	0,38	Ко (1-2)	0,51
	Д ₂ (10)	0,48	Тв (3-4)	0,65
	Д ₃ (9)	0,73	Ко (3-4)	0,49
Кузги миқдор (Но)	Н (6-7)	0,64	Тв (8-9)	0,42
	Н (8-9)	0,65	Гр (8-9)	0,36
	Д ₁ (4-5)	0,52	Ку (6-7)	0,64
	Д ₂ (6-7)	0,63	Ку (8-9)	0,52
	Д ₃ (8-9)	0,47		

Изоҳ: r_s - корреляциякоэффициенти, Д₁, Д₂, Д₃ – турли ёш гуруҳи ҳайвонларининг улуши, Тв- ҳаво температураси, Ко – ёғингарчилик миқдори, Гр – Амударёнинг гидрорежими, Ку – озукавий шароитлар. Қавслардаги сонлар – ой рақамлари, штрих – олдинги йил.

Таҳлил давомида ҳаво-иқлимий шароитлар кузги миқдор билан ижобий коррелятив алоқаларга эга эканлигини аниқлади, ҳаво ҳарорати билан (август-сентябрь) корреляция коэффициенти $r=0.42$, Амударёнинг гидрорежими билан корреляция коэффициенти $r=0.36$ ни ташкил қилган. Уй сичқони кузги миқдорининг озукавий шароитлар билан корреляцион алоқалари аниқланди (июн-июл $r=0.64$, август-сентябр $r=0.52$).

Шундай қилиб, ўтказилган таҳлил асосида хулоса қилиш мумкинки, уй сичқони миқдорий динамикасига биотик ва абиотик омилларнинг йиғиндисига сезиларли таъсир кўрсатади. Олиб борилган тадқиқотлар олимларнинг уй сичқони популяциясининг ёш структураси кўпайишнинг ўзига хос жиҳатлари – жинсий етилиш тезлиги, сичқончаларнинг туғилиш тезлиги билан чамбарчас боғлиқ деган фикрларини исботлайди.

Агроценозлар ва воҳаларда яшовчи кўпчилик ҳайвонларда мазкур жараёнларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар катта қизиқиш уйғотади. Кўп сонли регрессион таҳлил пластинкасимон каламуш популяциясининг баҳорги ва кузги миқдорига барча таъсирларнинг нисбий ҳиссасини баҳолаш имконини берди. Бизнинг ўтказган таҳлилларимиз кўриб ўтилган омилларнинг таъсирлари билан тушунтириладиган умумий миқдорнинг дисперия улуши юқори бўлиб 86,74% ни ташкил этишини кўрсатди.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, асосий ҳисса экзоген омилларга тўғри келиб (46,47%), ундан Амударё гидрорежими дисперисиясининг улуши 24% ни ташкил қилган. Эндоген омиллар эса камроқ таъсир кўрсатади (40,27%). Ҳомиладор урғочиларнинг апрелдаги улуши асосан популяциянинг дастлабки тарихи билан белгиланади (52%), экзоген омиллар эса атиги 28% ни ташкил қилади, улардан Амударёнинг гидроржими энг катта улушга эга (12% атрофида).

Кузда урғочиларнинг жинсий етилиш суръатлари ва улар корреляция қиладиган барча омилларнинг йиғиндиси уларнинг нафақат айна пайтдаги репродуктив фаоллигини, балки популяция ҳолатининг кейинги баҳорга тайёргарлигини белгилайди.

Каламушларнинг қишда яшовчанлиги ўтган йил куздаги миқдор ва ёш структураси, шунингдек баҳор ва куздаги об-ҳаво шароитларига боғлиқ (3 жадвал). Бироқ баҳорги миқдорни кузги миқдор орасида ижобий коррелятив алоқа бўлса, каламушларнинг қишки яшовчанлиги у билан салбий боғланган ($r = 0,84$).

3 жадвал

Пластинкасимон каламуш популяцияси ҳолатининг демографик ва об-ҳаво омиллари билан алоқадорлиги

Показатели	Эндоген омиллар	r_s	Экзоген омиллари	r_s
Баҳорги миқдор(Нв)	Но'	0,68	Тв (11-12)	0,62
	Д ₁ (8)	0,48	Ко (11-12)	0,43
	Д ₂ (10)	0,59	Тв (3-4)	0,77
	Д ₃ (9)	0,84	Ко (3-4)	0,58
Қишдаги яшовчанлик (Вз)	Но'	0,84	Ко (11)	0,34
	Д ₃ (10-11)	0,68	Тв (11)	0,51
			Ко (3)	0,67
			Гр (3)	0,77
Кузги миқдор (Но)	Н (4-5)	0,43	Тв (4-5)	0,43
	Н (6-7)	0,64	Гр (4-5)	0,45
	Н (8-9)	0,65	Тв (6-7)	0,52
	Д ₂ (6-7)	0,63	Гр 6-7)	0,69
	Д ₃ (8-9)	0,47	Ку (4-5)	0,52
		Ку (6-7)	0,47	

Изоҳ: r_s - корреляциякоэффициенти, Д₁, Д₂, Д₃ – турли ёш гуруҳи ҳайвонларининг улуши, Тв- ҳаво температураси, Ко – ёғингарчилик миқдори, Гр – Амударёнинг гидрорежими, Ку – озукавий шароитлар. Қавслардаги сонлар – ой рақамлари, штрих – олдинги йил.

Шунга кўра, ҳайвонларнинг қишда нобуд бўлиши уларнинг кузги миқдори билан бевосита боғлиқ эмас, бу самара популяциянинг структурасига боғлиқ бўлиб, қишга кетувчи ҳайвонларнинг гуруҳини қайси ҳайвонлар ташкил қилганлиги билан аниқланади (уларнинг туғилиш вақти, улар туғилган шароитлари, озуқа шароитлари). Каламушларнинг кузги миқдори ҳар доим олдинги ойлардаги ҳайвонлар миқдори билан мусбат корреляцияда бўлади.

Бироқ зичлик юқори бўлган йилларда бу алоқаларнинг пропорционаллиги зичликка боғлиқ омиллар таъсирида бузилади: миқдорнинг кескин ошиб кетишида ёш ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги бирдан пасайиб кетади.

“Йиртқич-ўлжа” популяцион тизимини мувозанат ҳолатида ушлаб турувчи кўпгина экологик механизмлар мавжуд. Оролбўйида тадқиқ қилинаётган кемирувчи турларининг асосий “душманлари” шоқол, тулки, қамиш мушуги, бўри, йиртқич қушлардан эса - ботқоқ бўктаргиси ва қора калхат ҳисобланади (Реймов, 1972, 1999). Амударё қуйи қисмида тулки ва шоқолнинг асосий озуқаси уй сичқони (тегишлича 28,75 ва 38,4%) хизмат қилиб, пластинка тишли каламуш қамиш мушуги озуқасида муайян ўринни эгаллаб, у 39% гача бўлган.

Шундай қилиб, популяциянинг модел турлари (уй сичқони ва пластинка тишли каламуш) кўриб ўтилган омилларнинг таъсирига учрайди. Тадқиқ этилаётган омиллар популяциянинг у ёки бу кўринишларига таъсир интенсивлиги кўпайиш фазлларига қараб турличадир. Охириги йилларда ҳайвонлар миқдори пасайишининг асосий сабаби, намланган ҳудудларнинг кескин қисқариши ва оммавий чўлланиш бўлиши мумкин. Шу билан бирга фақат репродуктив механизмлар популяцион регуляция жараёнини қониқарли тушунтириб бера олмайди. Генетик, хулқ-атворга оид ва бошқа омиллар бўйича тадқиқот натижаларидан фойдаланиш зарур бўлади.

Шундай қилиб, Жанубий Оролбўйи экотизими мувозанатининг бузилиши, хусусан гидрорежимнинг бузилиши муайян даражада кемирувчилар тадқиқ қилинаётган турларининг миқдorigа таъсир кўрсатади. Беқарор экотизим шароитларида кемирувчилар модел турларининг миқдорининг табиий ўзгариб туришини йўқолиши оддий хол деб ҳисоблаш мумкин.

Популяцион регуляция энг муҳим экологик адаптация, аниқроғи тур миқдорининг барқарорлашуви ва гуллаб-яшнашига замин яратувчи мослашув комплекси ҳисобланади. Шу билан бирга мослашиш эволюциясининг муҳим маҳсулоти ҳисобланган бу механизмлар турнинг ихтисослашувини, уни муҳит томонидан “тан олиниши” ни кучайтиради ва маълум маънода унинг кейинги эволюция жараёни имкониятларини чеклайди. Популяцияни атроф-муҳит билан ўзаро алоқаларини миқдорий томонларини акс эттирувчи миқдорий динамика кенг маънода яшаш учун курашнинг якуни ҳисобланади. Бу маълум маънода мослашиш жараёни бўлиб, унда популяция ўз – ўзини бошқарувчи тизим сифатида иштирок

этиб, у яшаш муҳити ресурслари билан оптимал барқарорлашув ва ҳаракатчан мувозанатда бўлишга интилади.

ХУЛОСА

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган “Жанубий Оролбуйи шароитида сичқонсимон кемирувчиларнинг экологик-популяцион таҳлили” мавзусидаги диссертация бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Жанубий Оролбуйида кемирувчиларнинг 5 та оила, 20 та авлодга тегишли бўлган 27 тури тарқалганлиги кузатилган. Табиий муҳитнинг трансформация шароитларида сичқонсимон кемирувчилар фаунаси таксономик таркибининг ўзгариши (антропоген таъсирга жуда сезгир бўлган, асосан мезофил ва тор ареалли, ноёб ва йўқолиб бораётган турларнинг рўй беради).

2. Уй сичқони репродуктив потенциалининг йиллик ўсиши табиий ва синантроп популяцияларига тегишли равишда 0,36 ва 0,23% ни ташкил қилади. Йиллик миқдорий ўзгаришлар амплитудаси унинг “чўққиси” ва депрессияси, циклнинг давомийлиги ва унинг алоҳида фазалари орасидаги фарқлар, уй сичқоннинг қисқа муддатда ўз миқдори ва оптимал жинс-ёш структурасини тиклаб олиши кузатилади.

3. Амударё дельтаси гидрорежимининг кескин ўзгариши, чўлланиш ва аридизация жараёни туфайли Оролбуйи жанубий ҳудудларида пластинка тишли каламуш сонининг динамикасининг 1990-2017 йиллардаги “депрессив” фазалари асосланган.

4. Экзоген омиллар таъсири асосан кемирувчиларнинг ўрганилаётган турларининг миқдори ва репродуктив фаоллигига ўтиш даврида (март-апрел, сентябр-октябр), эндоген омиллар эса йил давомида турли даражада сақланиб қолиши намоён бўлади. Ёз ойининг бошларида миқдорни шакллантирувчи кўпайиш жараёнлари бир томондан популяция ҳолати ва унинг кўпайиши интенсивлиги, иккинчи томондан ўтган йилнинг ташқи шароитлари билан белгиланиб, ёз даврида эса миқдорнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ
И НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

УТЕМУРАТОВА ГУЛШИРИН НАЖИМАТДИНОВНА

**ЭКОЛОГО-ПОПУЛЯЦИОННЫЙ АНАЛИЗ МЫШЕВИДНЫХ
ГРЫЗУНОВ В УСЛОВИЯХ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ**

03.00.10 – Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ(PHd)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/В39.

Диссертация выполнена в Каракалпакском НИИ естественных наук ККО АН РУз. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (microbio.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шакиров Зоир Соатович**
биология фанлари доктори

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Ургенчский Государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.В.38.01 при Институте микробиологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий 76, конференц-зал института Микробиологии. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: info@microbio.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистровано под № ____). Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадырий 76, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека Института микробиологии. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2018 г.
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2018).

Арипов Тахир Фатихович

Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, д.б.н., профессор,
академик

Жураева Рохила Назаровна

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, к.б.н.

Рахимова Тура Узаковна

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, во всем мире решение проблемы сохранения биоразнообразия и устойчивости природных экосистем является одной из актуальных проблем. При этом важное значение имеет охрана природных ассоциаций, разработка научных основ использования полезных животных, рационализация системы борьбы с вредными видами и переносчиками трансмиссивных заболеваний. Следует отметить, что популяционные реакции вида могут отражать динамику экосистемы в целом, поэтому популяционный подход может быть успешно использован для исследования состояния природных экосистем.

В настоящее время научные исследования, проводимые во многих странах мира, указывают на особую важность использования и развития популяционного подхода в решении многих практических экологических задач. В этом направлении одной из важных задач является прогнозирование и регулирование численности видов, участвующих в формировании очагов инфекций, защиты лесных посадок от вредителей, проведение комплексных эколого-популяционных анализов при защите природных экосистем. В связи с этим изучение и экологический анализ популяций мышевидных грызунов, являющихся классическим модельным объектом исследований широкого спектра проблем теоретической и прикладной популяционной экологии, имеет важное научное и практическое значение.

В нашей республике уделяется особое внимание разработке и внедрению мероприятий в области устойчивого развития и сохранения биоразнообразия. На основе программных мероприятий, осуществленных в данном направлении, были достигнуты определенные результаты, в том числе, в области сохранения биоразнообразия и рационального использования природных ресурсов в регионе Южного Приаралья. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан³ определены задачи по «...созданию эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику». Исходя из вышеизложенных задач, внедрение в практику использование современных методов исследования динамики численности мышевидных грызунов и разработка эффективных методов их использования в качестве информативных биоиндикаторов природных и антропогенных изменений среды имеет большое научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 18 января 2017 года «О Государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 гг.», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №255 от 29

³ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

августа 2015 года «О комплексной программе по смягчению и восстановлению последствий Аральской трагедии, а также социально-экономического развития, намеченные на 2015-2018 гг.», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики –V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, направленные на изучение популяционной экологии мелких млекопитающих (в том числе и мышевидных грызунов) осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в University of Kentucky (США), University of Guelph Ontario (Канада), University of Sydney (Австралия), Federal University of Lavras (Бразилия).⁴

Мышевидные грызуны являются особой жизненной формой и важным звеном в природных экосистемах и характеризуются большой чувствительностью к внешним воздействиям. Низкую индивидуальную стойкость и повышенную в связи с этим смертность от различных экологических факторов они вынуждены компенсировать интенсификацией размножения, адаптивной гибкостью и увеличением групповой стойкости (Большаков и др., 1980, Жигальский, 1990; Бернштейн, 2009; Wiczorek et al., 2015 и др.). Несмотря на многолетний опыт исследований в области экологии мелких млекопитающих, интерес ученых к данной теме не ослабевает до сих пор, это приводит к более глубокому и полному познанию закономерностей и механизмов функционирования популяций данной группы животных и открытию новых сторон их практической значимости.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ научно-исследовательских учреждений, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук в соответствии с планами НИР в рамках прикладного проекта ФА-ФЗ-ТО14 «Разработка методов экологического нормирования антропогенных воздействий на биоразнообразие фауны млекопитающих в низовьях Амударьи и сохранение генофонда» (2009-2011гг.), фундаментального проекта ФА-Ф1-ГОО4 «Комплексное исследование динамики трансформации природной среды и биоты Южного Приаралья в условиях неустойчивости гидрорежима и изменений климата» (2012-2016 гг.) и Международного проекта JEF МФСА «Мониторинг биоразнообразия ветландов Южного Приаралья» (2015-2018 гг.).

⁴<http://www.bayceer.uni-bayreuth.de/toek/en/pub/pub/publication.php>

